



## МУРОЖААТЛАРНИ КЎРИБ ЧИҚИШДА ОМБУДСМАН ВАКОЛАТЛАРИ ВА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШДАГИ ИШТИРОКИ

Шахбозбек Шоядбеков Шухратбек ўғли

Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий

кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий

мактаби иш юритувчи котиби

**Аннотация:** ушбу тезисда жисмоний ва юридик шахсларнинг давлат органи, ташкилот, муассасаси ва уларнинг мансабдор шахсларига мурожаатлари тушунчаси, уларнинг ҳуқуқий табиати, мурожаатларнинг кўриб чиқилишида инсон ҳуқуқлари бўйича вакил (омбудсман) институтининг роли ҳақида баён этилади.

**Калит сўзлар:** омбудсман, ариза, таклиф, шикоят, оғзаки мурожаат, аноним мурожаат.

**Аннотация:** в статье раскрыто понятие обращений физических и юридических лиц в государственные органы, организации, учреждения и их должностные лица, их правовая природа, роль института правозащитника (омбудсмана) при рассмотрении обращений.

**Ключевые слова:** омбудсман, заявление, предложение, жалоба, устное обращение, анонимное обращение.

Фуқароларнинг мурожаатлари ҳақида турли назарий ва юридик таърифлар мавжуд. Жисмоний ва юридик шахсларнинг давлат органлари ва мансабдор шахсларига такдим этган ариза, таклиф, шикоятлари юридик жихатдан мурожаат ҳисобланади. Фуқаролар мурожаат этиш ҳуқуқи орқали давлат ва жамият



бошқарувида бевосита иштирок этиш имкониятига эга бўлади. Мурожаатлар ёзма, оғзаки ёки электрон шаклда, фуқароларнинг таклифлари, аризалари ёки шикоятлари сифатида баён қилинади.

О.Р.Файзиев мурожаат тушунчасига қуйидагича таъриф бериб ўтади: “**мурожаат** – бу маъмурий органлар, давлат муассасалари, мансабдор шахслар ҳамда халқ вакилларига жисмоний ва юридик шахсларнинг тўғридан-тўғри ёки вакиллари орқали ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини амалга ошириш, тиклаш, ҳимоя қилиш, шунингдек, давлат ва жамият фаолиятини такомиллаштириш мақсадида яқка тартибда ёки жамоа бўлиб, ёзма, оғзаки ёки электрон шаклда ариза, таклиф, шикоят орқали ифодаланган ҳамда қонунчилик ҳужжатларида белгиланган талабларга мос келадиган конституциявий кафолатланган иродасини ифодалаш шакли<sup>1</sup>”. Шунингдек, С.А. Ширибоков: “Мурожаат – бу, биринчи навбатда, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда мустаҳкамланган қоидаларга мос келадиган ёзма, оғзаки ёки электрон шаклга эга бўлган, муайян ҳаракатда ифодаланган, мурожаат юборувчи шахснинг хоҳиш-иродасининг ифодасидир. Ҳуқуқ ва эркинликларни амалга ошириш, ҳимоя қилиш ёки тиклаш учун зарур шаклларда давлат органларига ёки маҳаллий давлат ҳокимияти органларига юборилган шахсларнинг иродасидир”, деб фикр юритган<sup>2</sup>”. Черкесов эса ўз асаида: “Мурожаат – бу шахс ёки бир гуруҳ шахсларнинг давлат органига ёки давлат функцияларини бажариш юкланган бошқа муассасага маълум мақсадларга эришишга қаратилган хоҳиш-иродасининг ифодасидир”<sup>3</sup> деб айтиб ўтган.

<sup>1</sup> Файзиев О.Р. Жисмоний ва юридик шахслар мурожаатларига оид қонунчилик ҳужжатларини ривожлантириш: Юридик фанлари доктори (Doctor of Science) диссертацияси автореферати. Тошкент – 2021. 22-б.

<sup>2</sup> Ширибоков С.А. Конституционное право человека и гражданина на обращение: дис. ... канд. юрид. наук: 12.00.02. Екатеринбург, 1999. С. 14; Он же. Конституционное право человека и гражданина на обращение: учеб. пособие. Пермь, 2002. С. 6.

<sup>3</sup> Черкесов К.А. Конституционное право на обращение в органы публичной власти в государствах - членах СНГ и странах Балтии: сравнительно-правовое исследование: дис. ... канд. юрид. наук: 12.00.02. М., 2010. С.



Омбудсман фуқароларнинг аризалари, таклифлари ва шикоятларини кўриб чиқишни амалга оширади. Мурожаатлар Омбудсман томонидан «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

Омбудсман Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида турган чет эл фуқароларининг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг, юридик шахсларнинг инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини бузаётган ташкилотларнинг ёки мансабдор шахсларнинг ҳаракатлари ёхуд ҳаракатсизлиги устидан берган шикоятларини кўриб чиқади ҳамда ўз текширувини ўтказиш ҳуқуқига эга.

Шунингдек, Омбудсман учинчи шахсларнинг, шу жумладан нодавлат нотижорат ташкилотларининг муайян бир шахснинг ёки бир гуруҳ шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилганлиги устидан берган шикоятларини кўриб чиқиш учун, башарти уларнинг бунга розилиги бўлса, қабул қилади.

Омбудсман суднинг ваколатлари доирасига кирадиган масалаларни, шунингдек жисмоний шахсларнинг бошқа жисмоний шахслар томонидан уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини бузадиган ҳаракатларига (ҳаракатсизлигига) доир мурожаатларини ва аноним мурожаатларни кўриб чиқмайди<sup>4</sup>.

Вакил мурожаатларни кўриб чиқиш чоғида аниқланиши лозим бўлган ҳолатларни текширишда кўмаклашишни сўраб ташкилотлар ва мансабдор шахсларга мурожаат қилиш; ташкилотларга ва мансабдор шахслар ҳузурига монеликсиз кириш; ташкилотлар ва мансабдор шахслардан ҳужжатлар, материаллар ва бошқа маълумотларни сўраш ҳамда олиш; мансабдор шахслардан тушунтиришлар олиш; аниқланиши лозим бўлган масалалар юзасидан ташкилотлар

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, 15.11.2024 йилдаги ЎРҚ-1002-сон Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) тўғрисида. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 18.11.2024 й., 03/24/1002/0936-сон



ва мутахассисларга хулосалар тайёрлашни топшириш; инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари соҳасидаги қонунчиликнинг аниқланган бузилишларини, уларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида давлат органлари ва бошқа ташкилотлар раҳбарларига белгиланган муддатларда кўриб чиқилиши **мажбурий бўлган тақдимномалар киритиш**; ҳаракатларида инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари бузилганлиги аниқланган шахсларни жавобгарликка тортиш тўғрисида тегишли органларга **илтимоснома билан кириш**; фуқаролар манфаатларини кўзлаб аризалар ва даъволар билан судларга давлат божи тўламасдан мурожаат этиш ва бошқа ҳуқуқларга эга.

Таъкидлаш жоизки, Омбудсманга мурожаат қилиш ҳуқуқи, айниқса, ҳуқуқлари бузилган шахслар учун имконият сифатида қабул қилиниши керак. Бироқ, мурожаатларни кўриб чиқиш жараёнида Вакилнинг мавжуд ваколатлари айрим ҳолларда таъсирчан эмаслиги, аниқ ва қатъий чораларни талаб қиладиган ваколатларнинг яратиш заруратини кўрсатмоқда. Статистик маълумотларга эътибор қаратадиган бўлсак, Омбудсманга ҳаракатланиш эркинлиги чекланган шахслар сақланадиган жойларда сақланаётган шахслар, уларнинг яқин қариндошлари ва ҳимоячи (адвокат)ларидан биргина 2023-йилда **2662 та** мурожаат келиб тушган<sup>5</sup>. 2023 йилда такрорий мурожаатлар 721 тани (умумий мурожаатларнинг 27.1 фоизи) ташкил этиб, 2022 йилга нисбатан 797 тага (24,6 фоизга) камайган. Шунингдек, келиб тушган мурожаатларнинг 984 таси ёки 37 фоизи бевосита маҳкумлардан ёки маҳбуслардан юборилган мурожаатлар ҳисобланади.

Ушбу статистик маълумотлар омбудсманга мурожаат қилиш тизимини соддалаштириш ва уни янада самарали қилиш заруратини яратишини кўрсатмоқда. Бунинг учун, омбудсман институтлари ҳақида хабардорликни нафақат жазони ижро этиш муассасаларида, балки бутун жамиятда ошириш муҳим. Мобил алоқа

<sup>5</sup> Қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаш ҳолатларининг олдини олиш бўйича 2023 йилда амалга оширилган ишлар юзасидан ҳисобот <https://ombudsman.uz/uz/docs/qiynoqlarni-oldini-olish-boyicha-2023-yilda-amalga-oshirilgan-ishlar-yuzasidan-oliy-majlisning-inson-huquqlari-boyicha-vakilining-ombudsmanning-maruzasi>



воситаларини, айниқса, мобил дастурларнинг ишлатилиши, омбудсман институтини ҳақиқий “инсон ҳимоячиси”га айлантиришда муҳим қадам бўлиши мумкин.

Шунингдек, қонунчиликка кўра, аноним мурожаатлар Омбудсман томонидан кўриб чиқилмайди. Бу тартибнинг ўзига хослиги бор, чунки омбудсманга мурожаатлар асосан инсон ҳуқуқларига доир бўлгани ва ҳар бир шахснинг ҳимояга муҳтож эканлигига эътибор қаратилган. Шундай бўлса-да, аноним мурожаатларнинг кўриб чиқилиши масаласини, инсон ҳуқуқлари муаммоларини ҳал қилишда аҳамиятли деб ҳисоблаш мумкин, чунки бу ҳолатларда ҳам инсон ҳуқуқларининг таъминланишига эътибор қаратилмоқда.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Файзиев О.Р. Жисмоний ва юридик шахслар мурожаатларига оид қонунчилик ҳужжатларини ривожлантириш: Юридик фанлари доктори (Doctor of Science) диссертацияси автореферати. Тошкент – 2021. 22-б.
2. Широбоков С.А. Конституционное право человека и гражданина на обращение: дис. ... канд. юрид. наук: 12.00.02. Екатеринбург, 1999. С. 14; Он же. Конституционное право человека и гражданина на обращение: учеб. пособие. Пермь, 2002. С. 6.
3. Черкесов К.А. Конституционное право на обращение в органы публичной власти в государствах - членах СНГ и странах Балтии: сравнительно-правовое исследование: дис. ... канд. юрид. наук: 12.00.02. М., 2010. С. 9.
4. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 01.05.2023 йил.
5. “Жисмоний ва юридик шахслар мурожаатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни. 11.09.2017, ЎРҚ-445-сон.
6. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, 27.08.2004 йилдаги 669-II-сон Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) тўғрисида.
7. Қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаш ҳолатларининг олдини олиш бўйича 2023 йилда амалга оширилган ишлар юзасидан ҳисобот